НОШИР ЛЮКС
МАЖБУРИЙ НУСХА

Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 1-fevral, shanba, 14 (23.294)-son

Кун ҳикмати

Беобрў, юзсизга фақат кўпчилик бас кела олади

Ислом Каримов хотираси ёд этилди

30 январь - Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллуди муносабати билан Самарқанд шаҳрида маънавий-маърифий кечалар, хотира тадбирлари ўтказилди.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов ва жамоатчилик вакиллари дастлаб шаҳардаги Ислом Каримов мақбарамажмуасини зиёрат қилди. Унинг хотираси ёдга олиниб, Қуръон тиловат қилинди.

Шундан сўнг вилоят ҳокимлиги вакиллари, ҳарбийлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва кенг жамоатчилик томонидан Регистон майдони яқинида ўрнатилган Ислом Каримов ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

- Биринчи Президентимиз босиб ўтган ҳаёт йўли, унинг маънавий жасорати ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга, - дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши бўлим бошлиғи Ғофиржон Бобобеков. - Ислом Каримов туғилиб ўсган ва мангу қўним топган Самарқандда яшаётган ҳар бир ёш ўзгача ғурур билан ўқишга, буюк аждодларга муносиб фарзанд бўлишга интилмоқда.

Самарқанд педагогика коллежида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллудининг 82 йиллигига бағишланган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев иштирок этди ва ўқувчи-ёшларга Биринчи Президент фаолиятининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўзлаб берди.

Вилоятдаги таълим муассасалари, музейлар, корхона ва ташкилотларда Биринчи Президентимизнинг ҳаёти ва серқирра фаолиятига бағишланган давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуманлар ташкил этилди.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовнинг шаҳар ва туманлар аҳолиси учун ўтказиб келинаётган сайёр қабули бу йил ҳам олис туманлардан бири - Пахтачидан бошланди.

Пахтачида сайёр қабул нега етти соат давом этди?

Тумандаги педагогика коллежида ўтказилган қабулда вилоят ҳокими билан бирга бошқа секторлар, бошқарма ва идоралар раҳбарлари ҳамда тумандаги мутасаддилар иштирок этди.

Қарийб 7 соат давом этган сайёр қабулда 496 нафар фуқаронинг мурожаати рўйхатга олинди. Барча масалалар бирма-бир тингланиб, уларнинг ечими юзасидан масъуллар бириктирилди. Мурожаатларнинг аксариятини электр ва газ таъминоти, йўл қурилиши, бандлик, тиббий хизмат ҳамда уй-жой масалалари ташкил этди.

- Қишлоғимизда электр энергияси таъминотида муаммолар кўп, - дейди Ҳунарманд маҳалласида яшовчи Азамат Каримов. – Трансформатор ва симёғочларни алмаштириш масаласида вилоят ҳокимига мурожаат қилдим. Шу йилнинг июль ойигача бу муаммони бартараф этиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берди.

Вилоят ҳокимига мурожаат қилганлар орасида ўтган йилги сайёр қабулда ўртага ташланган муаммоси ечимини топганлиги учун миннатдорлик билдириш мақсадида келган фуқаролар ҳам бўлди. Шунингдек, Истиқлол маҳалласида яшовчи Қундуз Ҳотамова ўзи ташкил этган тикувчилик цехига хотин-қизларни ишга таклиф қилиш учун сайёр қабулга келганлигини айтди.

- Тўрт мучаси соғлом одам ҳаракат қилиши керак, - дейди Қ.Ҳотамова. – Кимдандир ёрдам кутиб яшаш билан ҳаёти ўзгармайди. Бироз қийинчилик билан бўлса-да, банкдан кредит олиб, махсус иш кийимлари тайёрланадиган кичик корхонамни ташкил қилдим. Сайёр қабулга 5 нафар хотин-қизни тикувчиликка ишга қабул қилиш истагида келдим. Уларга иш унумдорлигига қараб кунига 50 минг сўмгача иш ҳақи беришим мумкин.

Пахтачи тумани ҳокими М.Ҳамдамов бу аёлнинг ташаббусини қўллаб, яна 10 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш шарти билан уч кун ичида 10 та тикув машинаси хариди учун 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит бериш таклифини билдирди. Тадбиркор бу таклифни қабул қилди.

- Бугунги сайёр қабул жойларда хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла фаоллари томонидан аҳоли муаммоларини ўрганиш масаласи кейинги пайтда ўз ҳолига ташлаб қўйилганини кўрсатди, - деди Э.Турдимов. – Чунки аксарият хотин-қизлар маиший ва оилавий муаммолар бўйича мурожаат қилишди. Ахир бундай муаммоларни маҳалланинг ўзида ҳал этса бўларди. Шунингдек, туманда табиий газ ва электр энергияси етказиб беришда ҳам муаммолар кўплиги сезилиб турибди.

Вилоят ҳокими сайёр қабул якунида ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди. Қабул давомида масъулларга топширилган масалаларнинг ижроси бир ҳафта ичида муҳокама этилиши белгиланган ҳолда ҳар бир ҳудудда уйма-уй юриб, аҳолининг муаммосини ўрганиш ва ҳал этиш зарурлиги таъкидланди.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов қабулдан сўнг тумандаги Қувондик ва Ёбу маҳаллаларида бўлиб, аҳоли билан суҳбатлашди, ҳудуддаги ҳолат билан танишди.

Билдирилган таклиф ва мурожаатлардан келиб чиқиб, ички йўлларни асфальт қилиш, ҳудудларни ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга топшириқ берди.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

Адолат борлигини амалда кўрсатишимиз керак

Олим ҲАЙИТОВ, жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси:

- Парламентга Мурожаатномада давлатимиз раҳбари судҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар изчил давом эттирилишини қайд этиб, муҳим жиҳатларга эътибор қаратди.

Жиноят ишларини судда кўришда жамоатчиликнинг жалб қилиниши ва маҳалла, ёшлар иттифоқи, хотин-қизлар қўмиталари вакилларининг жамоат ҳимоячиси сифатида қатнашиши ва судланаётган шахсга уларнинг кафиллиги асосида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланаётгани ҳам аввал кузатилмаган, аҳамияти беқиёс янгилик.

Бундан беш-ўн йил олдин йил давомида бир-икки кишигина оқланиши мумкин эди. Жиноят иши судда кўрилдими, шахсга жазо тайинланиши керак, деган қараш бор эди.

Мурожаатномада Президентимиз "суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак", деган қатъий фикрни баён этди. Бу гапдан биз, судьялар фуқароларда ана шу ишончни уйғотиш, мустаҳкамлаш учун зиммамизга катта масъулият юкланганини яна бир бор ҳис қилдик.

Шаҳриёр ХОЛБАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси Самарқанд ҳудудий филиали бош мутахассиси:

- Рақамли иқтисодиёт – янги рақамли тушунчалар ва имкониятлар доирасида жамиятда, бизнесда янги билим ва рақамли технологияларни шакллантирувчи замонавий иқтисодий тизимни англатади. Масалан, аҳолининг давлат органлари билан муносабатларида электрон ахборот алмашинуви, юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат солиқ хизматлари органларига масофадан туриб электрон ҳисоботларни тақдим этиши, нотариал идораларда ахборот тизимининг жорий этилиши рақамли иқтисодиёт шаклланишида дастлабки қадам бўлмоқда.

Бугунги кунда барча раҳбар кадрларда, давлат хизматчиларида аҳолига хизмат кўрсатишда рақамли технологияларни тизимли йўлга қўйиш, аҳоли ва давлат хизматчиларида бу борадаги тушунчалар ва кўникмаларни шакллантириш долзарб вазифамиз бўлиб қолмоғи керак.

Вилоят бош архитектори Бобур Элмуродов, вилоят давлат қурилишини назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Шокир Илмуродов эътиборига!

Ноқонуний қурилишларга ким барҳам беради?

Челак шаҳри марказидаги Мотамсаро она ҳайкали атрофидаги ноқонуний қурилишлардан хабарингиз борми? Ёдгорлик атрофи обод хиёбон бўлиши керак эмасми?

Тўғри, 2017 йилда Пайариқ тумани ҳокимлиги ушбу ёдгорлик ёнидан енгил конструкцияли савдо шохобчалари қуришга рухсат берган. Аммо бу ерда шлакоблок ғиштдан савдо шохобчалари қурилаётгани амалдаги қонун-қоидаларга нечоғли тўғри келади?

Сизлардан илтимос, шу жойга мутахассис юбориб, вазиятни ўрганиб, бу тартибсизликни бартараф этиш чораларини кўрсангиз.

Собир ОРТИҚОВ, Пайариқ тумани, Челак шаҳри.

Фестиваль ғолибларини жамоатчилик аниқлади

Самарқанд шаҳридаги 61-сон эшитишида нуқсони бор болалар махсус мактаб-интернатида Бухоро, Навоий, Жиззах ва Самарқанд вилоятларининг "Умумтаълим мактабларида 5 ташаббус" фестивали танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда халқ таълими ходимлари, педагоглар, ғолиб жамоа аъзолари қатнашди.

- Фестиваль 2019 йил 20 ноябрдан бошланди, шу кундан facebook ижтимоий тармоғида очилган "5tashabbus_maktabda" гуруҳида умумтаълим мактаблари томонидан видеороликлар жойлаштирилди, - дейди халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев. - Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқда 17 минг нафардан ортиқ гуруҳ аъзолари бўлиб, улар томонидан 6165 та видеоролик жойлаштирилди. Ушбу видеоликларга жамоатчилик томонидан 10221 та изоҳ қолдирилган ҳамда 96215 та муносабат билдирилган.

Танловда энг кўп «лайк» олган ва кўп улашилган видеороликлар саралаб олинди.

Танлов натижаларига кўра беш йўналиш бўйича ҳар бир ҳудуддан 5 та биринчи, 5 та иккинчи ва 5 та учинчи ўрин аниқланди. Вилоятимиздан Иштихон тумани 11-умумий ўрта таълим мактаби, Иштихон тумани 5-умумий ўрта таълим мактаби, Каттақўрғон шаҳри 13-умумий ўрта таълим мактаби, Каттақўрғон шаҳри 13-ИДУМ ва Самарқанд шаҳридаги 23-умумий ўрта таълим мактаби жамоалари биринчи ўринни қўлга киритди.

Рақамли фортепиано, овоз кучайтиргич, компьютер, принтер, ноутбук, бадиий адабиётлар жамланмаси ғолиб жамоаларга жуда маъқул бўлди.

Дилноза УРАЛБОЕВА.

Давлат хизматлари маркази:

Икки йиллик САБОҚ

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак. Ушбу улуғвор ғояни амалга ошириш мақсадида мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилганига икки йил тўлди.

Хўш, ўтган икки йил давомида Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси томонидан қандай ишлар амалга оширилди?

Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи Мақсуд Қурбонов билан шу ва бошқа масалалар бўйича суҳбатлашдик.

- Мақсуд ака, суҳбатимиз аввалида икки йиллик фаолият якунлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

- Президентимизнинг 2017 йил 12 декабрдаги қарори билан фаолияти йўлга қўйилган давлат хизматлари марказларида дастлабки вақтда 33 турдаги давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, бир йил ичида хизмат турлари 100 тага етди. Бугунги кунга келиб, жойларда 120 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Туман ва шаҳар давлат хизматлари марказлари томонидан 2018 йилда аҳолига 478 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, 2019 йилда ушбу кўрсаткич 1 миллион 126 минг 688 тани ташкил этди. Жумладан, 28 440 та (9184 мингдан ортиқ юридик, 19151 та якка тартибдаги ва 105 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхона) тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди.

Туман, шаҳар давлат хизматлари марказларида аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг энг кўпи Самарқанд шаҳар (190 000 та), Паст Дарғом (102 000 та) ва Ургут (100 000 та) туманларига тўғри келмоқда.

Шу ўринда бир маълумотни алоҳида қайд этиш лозим. Ўтган 2019 йилда тизимда муҳим янгилик ва ютуқлар кўп бўлди. Жумладан, Жаҳон банкининг "Doing business" йиллик ҳисоботида Адлия вазирлиги ва Давлат хизматлари агентлиги масъул бўлган "Бизнесни рўйхатдан ўтказиш" кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 давлати ичида 8-ўринни эгаллаб, Ўзбекистон биринчи бор "Топ-10" ликка кирди.

2-саҳифа »»

ВИЛОЯТНИНГ 2019 ЙИЛДАГИ ҲУДУДИЙ ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ

959,5 миллион долларни **ташкил этиб,** **2018 йилга нисбатан** **247,3** миллион долларга ошди

Ўсиш 134,7 фоизни ташкил этди.

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА 2020 ЙИЛДА ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 102-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 15-сон, 186-модда) қарорининг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 30 декабрдаги 1752/03-13-сонли хати билан тақдим этилган Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ва Молия вазирликлари ўртасида келишилган 2020 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини инобатга олиб, **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Қуйидагилар:

Самарқанд вилоятида 2020 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага;

ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. "Самарқанд вилоят давлат мулкини ижарага бериш маркази" давлат унитар корхонаси (Б.Пайшанов)га:

давлат мулкини ижарага беришни ташкил этиш ва ижарага бериш;

ижарага берилган давлат мулкини ва уни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторингини олиб бориш;

ижарага бериладиган давлат мулки бўйича маълумотлар базасини шакллантириш;

ижара объектларидан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

фойдаланилмаётган давлат мулки ижарага берилиши тўғрисидаги эълонларни ва ижарага берилаётган давлат мулклари рўйхатларини даврий нашрларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси ва Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаларининг веб-сайтларига жойлаштирилишини таъминлаш топширилсин.

3. "Самарқанд вилоят давлат мулкини ижарага бериш маркази" давлат унитар корхонаси (Б.Пайшанов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (Ш.Ахмедов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳудудларда ижара муносабатларини тартибга солиш, ижарага берилаётган давлат мулки ҳисоботини тўғри юритиш ва бюджетга қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида давлат мулкини балансда сақловчилар томонидан ижарага бериш самарадорлигини ошириш ва ташкиллаштиришда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйсин.

4. Вилоят ҳудудида 2020 йилда давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг ноль ставкаси белгиласин.

5. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари-матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" давлат унитар корхонаси (А.Анваров) мазкур қарорни "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

6. Вилоят ҳокимининг 2019 йил 12 январдаги "Самарқанд вилоятида 2019 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 16-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўрақов зиммасига юклатилсин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Вилоят ҳокими **Э.ТУРДИМОВ**

2020 йил 29 январь,
№ 15-Қ

(Қарор матни ва иловалари билан вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти – www.samarkand.uz ҳамда газетамизнинг zarnews.uz сайти орқали танишишингиз мумкин)

Давлат хизматлари маркази:
Икки йиллик САБОҚ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

– Кўрсатаётган хизматларни аҳолига таништиришда қандай ишлар амалга оширилмоқда. Умуман, бу борадаги тарғибот ишлари қай тарзда йўлга қўйилган?

– Бу борада бошқарманинг жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар шўъбаси томонидан сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, республика ва маҳаллий газета, радио ва телевидение, шунингдек, электрон оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда ҳам соҳага доир муҳим янгиликлар, тезкор хабар ва маълумотлар эълон қилиб борилмоқда. Агентликнинг davxizmat.uz веб-сайти, «Facebook»да «Davlat xizmatlari agentligi» ҳамда бошқарманинг Samarqand Davxizmat саҳифасида мунтазам равишда маълумот жойлаштирилмоқда. Шунингдек, агентликнинг «Telegram» мобиль иловасида «Davlat xizmatlari» канали, info@davxizmat.uz электрон почта манзили ҳамда davxizmat@exat.uz идораларо тезкор электрон ҳужжат алмашинув тизими ҳам йўлга қўйилган.

Олис ҳудудларда эса сайёр давлат хизматларини кўрсатиш чоғида тушунтириш ишлари ташкиллаштириляпти, керак бўлса, уйма-уй юриб, марказлар орқали хизматлардан фойдаланишнинг афзалликлари, қулайликлари тушунтирилмоқда.

Жумладан, 2019 йилда бошқарманинг барча техник воситалар билан жиҳозланган махсус автобус ҳамда туман, шаҳар давлат хизматлари марказларининг "Дамас" русумли автомашиналарида олис маҳаллаларда 36607 нафар фуқарога сайёр тартибда давлат хизматлари кўрсатилди.

Жумладан, вилоятнинг олис ҳудуди – Қўшработ туманининг Зармитан, Заркент ва Бойтўп маҳаллалари туман марказидан 25 километр узоқликда жойлашган. Бу ҳудудда ўн мингга яқин фуқаро истиқомат қилади. Бошқармамиз масъул ходимлари ҳамда Қўшработ тумани давлат хизматлари маркази мутахассислари томонидан айнан ушбу манзилда 200 га яқин фуқарога давлат хизматлари кўрсатилди.

– Вилоят миқёсида фаолият кўрсатаётган туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари ходимларининг фуқаролар билан ишлаш кўникмаси, билим ва маҳорати айниқса, муомала маданиятини ошириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Бу борада бошқарма томонидан махсус маҳорат дарслари режа-жадвали тасдиқланган. Шунингдек, хизматлар кўрсатишда турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун «Сирли мижоз» тадбирларини ўтказиш йўлга қўйилган. Бу тадбирларда ходимларнинг муомаласи, малакаси ҳамда одоб-ахлоқига оид бошқа жиҳатлари ўрганилиб, таҳлил қилиб борилмоқда. Марказ ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ҳар ойда ҳудудий ўқув-семинарлари ташкил этиб келинмоқда.

Шунингдек, Адлия вазирининг график режасига асосан туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари ходимлари мунтазам равишда босқичма-босқич вазирлик ҳузуридаги юристлар малакасини ошириш марказига юборилмоқда.

– 2019 йилда Нуробод, Пахтачи, Қўшработ ва Самарқанд туманларида жуда кўплаб мижозларга бир пайтнинг ўзида тез ва сифатли хизмат кўрсата оладиган, замонавий, ҳар томонлама қулай давлат хизматлари марказлари бинолари фойдаланишга топширилди. Бошқа туман (шаҳар) ларда янги бинолар қачон фойдаланишга топширилади?

– Дарҳақиқат, ўтган йил тўртта туманда янги марказ биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Бу йил қолган марказ биноларини ҳам босқичма-босқич фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, айрим давлат хизматлари марказлари биноларининг бугунги ҳолати аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда талабга жавоб бермайди. Бу биноларда аҳоли учун қулай кутиш жойлари, қариялар ва ногиронлар учун махсус ўриндиқлар, она ва бола хоналари каби қўшимча қулайликлар йўқ. Лекин юқорида қайд этиб ўтилганидек, тез орада қолган давлат хизматлари марказлари ҳам кенг ва замонавий ҳамда барча шароитлар мавжуд биноларга эга бўлишади.

Туман ва шаҳарларда давлат хизматлари марказлари бинолари маҳаллий бюджет маблағлари ва давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қурилмоқда. Бу биноларда юқори энергия самарадорлиги, энг асосийси, ташриф буюрувчиларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш учун энг қулай шарт-шароит яратилади.

– Қайси туманларда аҳолига тезкор ва сифатли давлат хизматларини кўрсатишга тўсқинлик қилаётган хато-камчиликлар бор?

– Бугунги кунда хизматларни йўлга қўйиш ва барқарор ишлатишда дуч келинаётган асосий муаммолардан бири – давлат органлари томонидан хизматлар кўрсатиш муддатларининг бузилишидир. 2019 йилда бошқарма масъул ходимлари томонидан ўтказилган ўрганишларда давлат хизматлари кўрсатувчи ваколатли органлар ва бошқа ташкилотлар томонидан 23 мингдан ортиқ қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланди. Айниқса, ортиқча ҳужжат талаб қилиш, мурожаатни кўриб чиқиш муддатларини бузиш (чўзиш) каби ҳолатлар кўп учраяпти.

Ҳадемай давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси ва Самарқанд шаҳар давлат хизматлари маркази шу бинода фаолият бошлайди.

Шунингдек, давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилаётган хизматлар бўйича идораларо электрон ахборот алмашинувини таъминлашга доир айрим муаммолар ҳамон сақланиб турибди. Масалан, кадастр, солиқ идоралари билан бугунги кунгача электрон маълумот алмашинуви йўлга қўйилмаган.

– Бунга сабаб нима?

– Бунинг асосий сабаби вазирлик ва идораларнинг электрон ҳужжат алмашинув тизимига ўз вақтида уланмаганлиги, давлат хизматини кўрсатиш учун масъул бўлган ходимларнинг қўнимсизлиги, давлат хизматини кўрсатишга иккинчи даражали вазифа сифатида қараётганлиги билан боғлиқ.

Шу пайтгача бошқарма томонидан аниқланган аксарият қонун бузилиши ҳолатлари болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотига жойлаштиришда, муҳандислик-коммуникацияларига уланишда, объектларни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат беришда, тураржойларни нотураржой тоифасига ўтказишга рухсатнома беришда, қурилиши тугалланган (реконструкция қилинган) объектни фойдаланишга қабул қилишда кузатилган.

Қонун бузилиши ҳолатларини идоралар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, асосан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, архитектура ва қурилиш органлари, газ, электр тармоқлари корхоналари, мактабгача таълим ва кадастр идораларига тўғри келмоқда.

Қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан ваколатли органларнинг 238 нафар раҳбарлари ва масъул ходимлари бошқарма томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215^5-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилди. Киритилган 40 та тақдимнома натижасида 43 нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилиб, ваколатли органларга 225 та расмий огоҳномалар киритилди.

Албатта, айбдорлар жазосини олди ва оляпти. Бироқ бир жиҳат бизни кўпроқ хавотирга солмоқда. Давлат хизматлари кўрсатишда йўл қўйилаётган биттагина хато, қонун бузилиши ҳам халқимизнинг ушбу тизимга ишончи йўқолишига сабаб бўлишини айрим ваколатли органлар ҳалигача тушуниб етмаяпти.

Ёқубжон МАРҚАЕВ суҳбатлашди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 мартдаги "Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан республикамиз ҳудудида 2017 йил 1 октябрдан бошлаб ўрнатилган тартибда миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг янги намуналари берилиши йўлга қўйилди.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси
янгисига алмаштирилиши керакми?

Бу ҳақда эшитган ва билган фуқароларда савол туғилиши табиий: эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштириш шартми?

Ҳа, шарт. 2020 йил 31 декабрга қадар эски намунадаги барча миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига алмаштирилиши керак.

Негаки, эски намунадаги гувоҳнома берилган санаси ва амал қилиш муддатидан қатъи назар, кўрсатилган муддатгача янгисига алмаштирилмаса 2021 йил 1 январдан ҳақиқий ҳисобланмайди.

Дарвоқе, янги намунадаги гувоҳномага эгасининг шахсини тасдиқловчи расмий давлат ҳужжати мақоми берилган.

ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ЭТИЛАДИ, ТЎЛОВ МИҚДОРИ ҚАНЧА?

- Эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштириш учун ҳайдовчилик гувоҳномаси, унинг талони ҳамда ҳайдовчининг фуқаролик паспорти нусхаси тақдим этилиши керак, - дейди Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси бош мутахассиси Бегзод Исаев. – Фуқаро тегишли ариза намунасини тўлдириб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 фоизи миқдорида давлат божи тўлайди.

Айни пайтда ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талонини янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига вилоят ИИБ ЙҲХБ рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлимида, шунингдек, Каттақўрғон туманидаги 1-, Самарқанд туманидаги 2-, Оқдарё туманидаги 3-туманлараро рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлинмаларида алмаштириш мумкин.

Бу амалиёт 2018 йил 1 июндан тажриба-синов тариқасида Паст Дарғом тумани давлат хизматлари марказида йўлга қўйилган.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Паст Дарғом тумани давлат хизматлари марказида ўтган давр мобайнида 7451 та эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси янгисига алмаштирилган.

МУАММО НИМАДА?

Юқорида ҳам айдик, 2021 йил 1 январдан бошлаб эски намунадаги барча ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳақиқий эмас, деб топилади. Табиийки, бу ҳайдовчилик гувоҳномалари билан автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳайдовчилик гувоҳномасисиз автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳисобланади. Бундай ҳолда жавобгарлик белгиланиши, транспорт воситаси жарима майдончасига қўйилиши ҳам мумкин.

Шу боис, кунига уч юзга яқин фуқаро йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати вилоят бошқармаси ва ҳудудий бўлимларининг рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлимларида эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талонини янги намунадаги гувоҳномага алмаштириш учун келяпти. Бу табиийки, жараён икки гоҳида уч соатгача чўзилишига сабаб бўляпти.

Аслида, бу хизматни нари борса 20 минутда якунлаш мумкин. Бироқ мурожаат қилаётганлар сони кўплиги ортиқча вақт сарфланишига сабаб бўляпти.

Бундан ташқари, бугун рўзғоридан ортмаётган Қўшработ, Пахтачи, Нуробод ва Ургут туманларидаги ҳайдовчи бир кун йўқотиб, яна ортиқча харажат қилиб йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бўлимларининг рўйхатга олиш ва имтиҳон бўлимларига келиб-кетади, дейсизми? Ҳаммасидаям имконият йўқ, албатта.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ НУҚТАСИ КЎПАЙМАЙДИМИ?

- Эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштиришни барча туманларда йўлга қўйилишидан биз ҳам манфаатдормиз, - дейди Б.Исаев.

- Аммо бу хизмат турини жойларда йўлга қўйиш биргина давлат хизматлари марказлари билан боғлиқ эмас. Бу албатта, ЙҲХБ билан ҳамкорликда амалга оширилади. Шу боис, бошқа туманларда эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаларини янгисига алмаштириш хизматини йўлга қўйиш бўйича вилоят ИИБ ЙҲХБга бир неча маротаба мурожаат қилганмиз. Ҳозир қўшимча штатимиз йўқ, дейишяпти. Чунки, бу хизматни амалга ошириш учун марказга ЙҲХнинг бир нафар ходими келиб ўтириши шарт бўлади.

Бундан ташқари, ҳозирча тегишли ускуналар йўқлиги боис, ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш бўйича қўшимча нуқталар ташкил қилолмаймиз, деган мазмунда жавоб берилган.

ТОШКЕНТДА БОРУ, САМАРҚАНДДА ЙЎҚМИ?

Ижтимоий тармоқларда тарқалган хабарларга кўра, 2019 йил 1 апрелдан ҳайдовчилик гувоҳномаларини ҳайдовчи қаерда прописка қилинганидан қатъи назар давлат хизматлари марказларида алмаштириши мумкин. Ушбу хабарда қайд этилишича, Тошкентда жойлашган 11 та марказнинг 7 таси зарур ускуналар билан жиҳозланган ва ушбу марказларда гувоҳномаларни алмаштириш йўлга қўйилган. Самарқандда эса ...

- Бугун вилоят ИИБ ЙҲХБ ҳамда 3 та туманлараро рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим ҳамда бўлинмалари, шунингдек, давлат хизматлари маркази Паст Дарғом туман бўлимида эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштириш мумкин, - дейди вилоят ИИБ ЙҲХБ рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлими бошлиғи Аҳмад Ҳасанов. - Биздаги ҳисоб-китоблар бўйича вилоят бўйича 470 минг киши ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириши керак. Бугунги кунгача умумий ҳисобда 191 мингдан кўпроқ эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси янгисига алмаштирилди.

Шу боис, мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, ҳайдовчиларга қулайлик яратиш мақсадида давлат хизматлари марказларининг Нуробод, Пайариқ ва Ургут туманлари, Самарқанд шаҳар бўлимида ускуна ўрнатиш бўйича юқори ташкилотимизга мурожаат қилганмиз. Бироқ бу масала бугунги кунгача ўз ечимини топгани йўқ.

Эртага, бир йилдан сўнг ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштиролмаган ҳайдовчи ҳужжатсиз транспорт воситасини бошқарган ҳайдовчи сифатида маъмурий жавобгарликка тортилса, машинаси жарима майдончасига қўйилса, у кимдан норози бўлади? Табиийки, давлатдан, бугунги сиёсатдан, олиб борилаётган ислоҳотлардан.

Тўғри, мутасаддиларнинг айтганларида ҳам жон бордир. Аммо барибир одамларимиз рози бўлиши учун давлат хизматлари марказларининг барча туман бўлимларида ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштиришни йўлга қўйиш ШАРТ.

Ё.ГАДОЕВ.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Аҳмаджон Қурбонов

ким бўлган?

ёки 24 ёшли қаҳрамон

Иккинчи жаҳон уруши йилларида 1,5 миллиондан зиёд Ўзбекистон фарзандлари тинчлик ва озодлик учун мардонавор жанг қилган. Уларнинг ҳар уч нафаридан бири ўз яқинлари бағрига қайтмаган. Жанговар жасоратлари учун 338 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони, 53 киши «Шуҳрат» орденининг учала даражаси билан тақдирланди. 120 мингдан ортиқ жангчи ва командирлар орден ва медаллар билан мукофотланди.

Қаҳрамонлар ичида Самарқанд фарзанди Аҳмаджон Қурбонов ҳам бор.

АҲМАДЖОНГА БОРАСИЗМИ?

Жанггоҳларда жасорат кўрсатиб, 24 ёшида қаҳрамонлик унвонига сазовор бўлган ўзбек ўғлони ҳақида хотира ёзиш мақсадида Жомбой туманининг Қўлбости маҳалласи томон йўлга чиқдим. Манзилга олиб борадиган автоуловлардан бирига яқинлашганимда ҳайдовчи «Аҳмаджонга борасизми?» деди машинаси томон бошлаб. Тасдиқ ишорасини қилдим. Тўпланиб турган бошқа машиналар ҳайдовчилари ҳам «Аҳмаджон, Аҳмаджон» дейишарди.

Йўлда ўрта ёш шофёр йигитдан «Аҳмаджон деганингиз ким?» деб сўрадим талмовсираб. У эса «Билмадим, жой номи бўлса керак-да», деди елкасини қисиб. Машинадаги бошқа йўловчиларга ҳам шу саволни бердим. Афсуски, улар ҳам мужмал жавоб қайтаришди. Фақат бир киши «Қишлоғимизда шунақа бир одамга ҳайкал (бюст демоқчи) қўйишувди, у бузилиб кетди, ҳозир 2-мактабнинг эски биносида турибди, шу одам бўлса керак», деди.

- Хайрият, сал-пал билар экансиз, - дедим унга раҳмат айтиб.

Қўлбости маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдураҳим Абдувоҳидов билан 2-умумий ўрта таълим мактаби ҳовлисига - Аҳмаджон Қурбонов хотирасига бюст ўрнатилган жойга келдик. Бюст бир тор жойда, дов-дарахтлар қуршовида мунғайиб турар, ҳовлига дафъатан кирган киши уни илғаб олиши даргумон эди.

- Бюст 1970 йилларда ўрнатилган. Унинг очилишига ўша пайтда Аҳмаджон Қурбоновнинг Ленинградда истиқомат қилаётган Тамара исмли қизи, Тошкентдан меҳмонлар ҳам келишган, - деди мактаб директори Ҳусниддин Абдушукуров. – Ҳозир мактабимиз касб-ҳунар коллежининг замонавий биносида фаолият кўрсатмоқда. Насиб бўлса, бюстни ҳам ўша ерга кўчириб ўтказамиз. Бунга тайёргарлик кўриляпти.

«Хўш, Аҳмаджон Қурбонов ким бўлган ва у кишини ким яхши билади?» деган саволимга 90 ёшни қоралаб қолган Яхшилик бобо Эшмуродовни айтишди. Қишлоқ советида, давлат хўжалиги ҳамда узоқ йиллар маориф соҳасида меҳнат қилган отахон Аҳмаджон Қурбоновнинг жияни экан.

ЯХШИЛИК БОБОНИНГ ҲИКОЯСИ

Биз Яхшилик бобони суҳбатга тортдик. Отахон бир энтикиб олгач: «Аҳмаджон аканинг ҳоки-поки ўзга юртларда - Польша тупроғида қолиб кетди. У ерда уни эъзозлашиб «Озодлик қаҳрамони» деб аташар экан. 1975 йилда изтопарлар кўмагида қариндошим ётган жойга боришга ҳаракат қилдим. Бироқ ниятим амалга ошмай қолди. Айрим амалдорларнинг монеълиги сабаб боролмадим. Жуда-жуда афсусдаман. Аҳмаджон Қурбоновнинг ҳаёти ва фаолияти, уруш йилларида кўрсатган жасорати тўғрисида тўпланган ҳужжатлар асосида ёзиб қўйган қораламаларим бор. Уни ўзларингиз ўқиб оларсизлар», деди.

Биз шундай қилдик. Отахон ёзган битик билан Ўзбекистон Республикаси Хотира китобида Аҳмаджон Қурбоновга ажратилган маълумотлар бир-бирига мослигини ҳисобга олиб ундан фойдаландик ва қуйидагиларни ёзишга киришдик.

Аҳмаджон Қурбонов 1921 йилда Жомбой туманидаги Шерқўрғон қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Еттинчи синфгача Ғазира қишлоғида, сўнгра эски Жомбойдаги мактабларда ўқиган. Самарқанд шаҳридаги уч йиллик ишчилар факультетида таҳсил олгач, туман ёшларига етакчи этиб сайланган. Ёшларга хос ўт-олов эмасми, у бир йиғинда туман раҳбари билан масала талашиб қолади. Бу эса «катта»ларга ёқмайди. Уни Тожикистоннинг Кўлоб вилоятига ўқитувчи қилиб юборишади. Буни қарангки, Аҳмаджон ўз бахтини ўша ердан топади. Ўқитувчи сифатида Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург)дан келган Мария Смирнова деган қиз билан турмуш қуради. Кейинчалик Марияннинг тавсияси билан у Ленинград университетининг тарих факультетига сиртдан ўқишга киради. Ўқишни тамомлаб қайтгач, тил билганлиги ва ўзидаги ғайрат-шижоатни ҳисобга олган вилоят ҳарбий комиссарияти Аҳмаджонни Томбов шаҳридаги кичик командирлар тайёрлаш ҳарбий билим юртига ўқишга юборади. Кейинчалик олий зобитлар курсини битиради. Ўқишни битириб, уйига қайтаман деганида уруш бошланади. Турмуш ўртоғи шу пайтда ҳомиладор бўлиб Аҳмаджонни интизорлик билан кутаётган эди. Бироқ дафъатан бошланган қаттол уруш уларнинг учрашишига тўсқинлик қилади. Ўшанда Аҳмаджон хотинига «Мария сен Ленинградга онангнинг уйига бор, ўша ерда сенга осон бўлади» деб хат ёзади. Аммо Марияга осон бўлмайди. Аҳмаджонни кўриш унга насиб этмайди...

ГВАРДИЯЧИ МАЙОР ЖАСОРАТИ

1943 йилда Аҳмаджон Қурбонов командирлигидаги ўқчилар батальони 1-Беларуссия фронтига келиб қўшилади ва февраль ойида фашистлар билан бўлган жангда яраланади.

А. Қурбоновнинг юксак ҳарбий маҳорати, жасорати ва қаҳрамонлиги, 1944 йилнинг июнь ойида фашистлар мудофаасининг Бобруйск йўналишини ёриб ўтиш учун бўлган жангларда, айниқса, яққол намоён бўлди.

"Багратион" операцияси муваффақиятли ривожланиб борарди. А. Қурбонов раҳбарлигидаги батальон босқинчиларга қақшатқич зарба берган ҳолда полк ҳужумидан уч кун илгари Гухлино қишлоғининг шимолроғида душман позицияларига 45 километр кириб бориб, Нарев дарёсига чиқдилар. Гвардиячиларнинг ҳужумини тўхтатиш мақсадида фашистлар уларга қарши йирик пиёда аскарлар қисмлари ва танкларини ташладилар. Бунинг устига осмондан фашист самолётлари тўхтовсиз бомба ёғдирарди.

Ана шундай мураккаб ва ўта қийин шароитда батальон командири А. Қурбонов тактик айёрлик ишлатди. Душманнинг кўзига дарёнинг маълум бир қисмидан гўё батальон жангчиларини кечиб ўтаётгандек қилиб кўрсатди. Ўзи эса батальоннинг катта қисми билан дарёнинг бошқа жойидан кечиб ўтиб Корневск қишлоғига чиқди. Командирнинг тахмини ўзини оқлади. Дарёнинг қарама-қарши қирғоғида кичик талафот билан муҳим плацдарм эгалланди.

Аммо бу ҳали жанговар ҳаракатларнинг бошланиши эди, холос. Гвардиячи майор Қурбонов ҳужумни янада ривожлантира бориб, душманнинг қирғоқбўйида жойлашган нуқталарини ҳам ишғол қилишга буйруқ берди. Чунки шундай қилинса, полк асосий қисмининг дарёдан кечиб ўтиши учун имконият яратилар эди.

Душман ҳимоя чизиғининг ичкарисига кириб борар экан, батальон жангчилари босқинчиларнинг позицияларига қақшатқич зарбалар берди. Бундан ташқари, сон жиҳатидан тенгсиз бўлган қўл жангида гитлерчиларни траншеялардан қувиб чиқариб, 91,3 рақамли муҳим тепаликни эгалладилар ҳамда Сивешено қишлоғининг шимоли-шарқидаги шоссени тўсиб қўйдилар. Варшава ҳамда Шимолий Пруссия чегарасига олиб чиқувчи, Нарев дарёси бўйидаги муҳим таянч нуқталаридан кутилмаганда ажралиш немис қўмондонлигини саросимага солиб қўйди.

Оқшом тушиши биланоқ душман қарши ҳужумга ўтди. Босқинчилар қўлдан бой берилган позицияларини яна қайтариб олишга жон-жаҳди билан уринди, аммо уларнинг барча ҳаракатлари мард жангчиларимиз томонидан бартараф этилди.

Беларуссия ерларида душманга қақшатқич зарбалар берган совет қўшинлари Польша ҳудудига кирдилар. Уруш бошланган ерга - фашистлар рейхининг чегарасига яқинлашиб келарди. Жасур батальон командири она еридан узоқлашиб кетганди. Уруш ниҳоясига етиб борарди. Урушнинг оловли йўлларида Аҳмаджоннинг турмуш ўртоғи Мария ва беш яшар қизи Тамаранинг мактублари қувиб етар ва унга далда бўларди. Улар Аҳмаджоннинг ғалаба билан қайтишига ишонардилар. Аммо жасур командир А. Қурбоновга уйга қайтиш насиб этмади. Ғалабага бор-йўғи икки ой қолганида, 1945 йилнинг 6 февраль куни жангда ўзбек халқининг мард ўғлони, майор Аҳмаджон Қурбонов қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

А. Қурбонов Польшанинг Плоцк вилояти, Граусенск уездидаги Шейнах қишлоғи яқинига ҳарбий иззат-икром билан дафн қилинади.

СССР Олий Совети Президиумининг 1945 йил 24 мартдаги фармонига кўра, Нарев дарёсини кечиб ўтишда кўрсатган улкан жасорати учун гвардиячи майор Аҳмаджон Қурбоновга ўлимидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

ҲАЙКАЛЛАР ҚАЙТА «ТИРИЛАДИ»МИ?

2020 йилда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Биз мард, енгилмас ва олижаноб халқимиз буюк Ғалабани таъминлашга беқиёс ҳисса қўшгани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз» дея таъкидлади. Зеро, урушда қатнашган ҳамда фронтортида заҳмат чеккан ҳар бир инсон шундай эъзозга лойиқдир.

Йиллар ўтиши билан жойларда уруш қатнашчилари хотирасига қўйилган ёдгорлик ва лавҳалар бир муддат унутилгандек бўлди. Улар қаровсиз қолдирилди. Халқимиз мардлиги ва жасоратини намойиш қиладиган бу жонсиз сиймоларни энди «қайта тирилтириш», ватандошларимиз хизматини ёшларимиз онгига, шуурига сингдириш вақти келди. Мардлик ва жасорат эса ҳеч қачон унутилмайди.

Жумладан, 24 ёшида Қаҳрамон бўлган Аҳмаджон Қурбоновдек ўзбек ўғлонларининг номи мангуликка дахлдордир.

Унинг номи абадийлаштирилган. Жомбойдаги бир маҳалла, ўқувчиларнинг ёзги оромгоҳи унинг номи билан аталади. Битта давлат хўжалиги фаолияти тугаганига қадар «Аҳмаджон Қурбонов» номида эди. Юқорида тилга олганимиз - йўловчиларнинг қалбига ёшлигидан ана шу исм жо бўлиб қолган бўлса ажаб эмас.

Адҳам ҲАЙИТОВ.

«Оқ доғлар» - асабийликдан

Янги туғилган чақалоғини туғруқхонадан уйига келтиргач, аслан тегманозик, таъсирчан, баджаҳл бўлган ёш келинчакнинг бехос жон-пони чиқиб кетди.

Янги либослар кийдирмоқчи бўлиб қараса, ечинтирилган гўдагининг қорин соҳаси, орқа қисми ва оёқ терисида оппоқ доғлар пайдо бўлибди. Туғруқхонадан соппа-соғ олиб чиқди-ку ахир уни?!

Бу оқ доғлар қаердан пайдо бўлди? Қайнонасини чақирди.

- Қўрқма! – деди кўпни кўрган онахон. – Бу ҳалигидақа иснодли касаллик эмас. Бу сенинг ва эрингнинг баджаҳлликларининг оқибати. Ўша баджаҳлликларинг фарзандларингга ўтиб ва уни йиғлоқига айлантириб, нозик тери юзларини оғулаб мана шу хил доғларни юзага келтирибди.

Бу бизнинг оиладаги иккинчи шундай ҳолат. Катта ўғлимнинг қизчаси дунёга келганида ҳам шу ҳол юз берганида кўрсатмаган дўхтиримиз қолмади. Ниҳоят бир куни Худо ёрлақаб, ҳамма нарса ойдинлашди. Неварамнинг баданидаги бу хил оқ доғлар тери касаллиги эмас, асабийлик, ўта асабийлашиш туфайли юз берадиган шаҳарли маҳсулотларнинг бадан юзасидаги аксланишлари экан.

Киши ўта асабийлашганида асаб толалари учидан катта миқдордаги заҳарли маҳсулотлар ажралиб чиқиб, инсон танасининг энг нозик, юпқа тери юзларини оғулаб, ана шу хил оқ доғларни юзага келтирар экан. Қизим, сен ҳеч қўрқма, унинг давоси бор. Бу тери эмас, асабий зўриқишларга алоқадор енгил касаллик ҳисобланаркан.

Ҳозирги янги туғилаётган гўдакларда кўпайиб бораётган касаллик «бадандаги оқ доғлар» тўғридан-тўғри асабий, тажанг, тегманозик, асаб тизими ўта бўш, руҳан ожиз ёш ота-оналардан ўз фарзандларига генетик тарзда ўтаётган, «юқаётган» касалликдир.

Муродим УМРЗОҚОВ.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари талабларига мувофиқ ўқувчиларни чуқурлаштирилган ва касбга йўналтирилган ҳолда ўқитиш, интеллектуал ривожланишини таъминлаш ҳамда юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Самарқанд академик лицейи 2020-2021 ўқув йили учун ўқувчиларни ўқишга таклиф этади.

Академик лицейига ўқишга кириш истагини билдирган Самарқанд вилояти ҳудудида яшовчи умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларидан аризалар 2020 йил 1 февралдан 15 апрелга қадар қабул қилинади.

Қабул босқичма-босқич амалга оширилади:

1. Дастлабки танлов: Якка тартибдаги дастлабки суҳбат, индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш, тиббий комиссия кўригидан ўтиш;

2. Махсус-профессионал танлов: Ёзма иш (диктант), жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов, якка тартибдаги якуний суҳбат;

3.Тест синови: Таълим йўналиши: Ижтимоий –гуманитар фанлар;

Ўқишга кириш истагини билдирган ўқувчилар (номзодлар) қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

1. Ариза (Белгиланган шаклда);
2. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома (асли ва нусхаси) (далолатнома ёзувига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритилган ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома алмаштирилган ёхуд фамилия, исм, отасининг исми ва бошқа маълумотлар ўзгартирилган бўлса бу ҳақда ФҲДЁ органларининг маълумотномаси);
3. Яқин қариндошларининг паспорти, туғилганлик ҳақида гувоҳномаси, никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳномаси (никоҳдан ажралганлиги ҳақидаги гувоҳномаси), вафот этганлар бўлса, уларнинг ўлим ҳақида гувоҳномаси (асли ва нусхалари);
4. 3х4 см. ўлчамдаги 6 дона фотосурат (бош кийимсиз) ҳамда 9х12 см. ўлчамдаги 2 дона фотосурат (бош кийимсиз);
5. Таржимаи ҳол;
6. Сўровнома (Белгиланган шаклда);
7. Ўқиш жойи ва маҳалла фуқаролар йиғинидан тавсифнома ҳамда маълумотнома (яшаш жойидан берилган маълумотномада номзоднинг оила аъзолари қўрсатилади);
8. Мудофаа ишлари бўлимларида рўйхатда туриши тўғрисидаги маълумотноманинг асли ва нусхаси;
9. Фанларни ўзлаштириши тўғрисида ўқиш жойидан мактаб директори томонидан тасдиқланган маълумотнома;
10. Ота-онасининг Ички ишлар вазирлигининг академик лицейига ўқишга киришига розилик хати (Белгиланган шаклда).

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри Мароқанд кўчаси, 46-уй. 9, 13, 16, 20, 24, 31 ва 58-шаҳар автобусларнинг ҳамда 434-маршрутканинг "ДЕУ", "Сафеди" бекатлари.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.

Самарқанд давлат тиббиёт институти доцент лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- медицина ва биологик химия кафедраси бўйича - 1 ўрин.

Доцент лавозимини эгаллаш учун танловда тиббиёт ёки биологик кимё йўналиши бўйича доцент илмий унвонига, катта илмий ходим ёки фан доктори (Ds) илмий даражасига, шунингдек, тиббиёт ёки биологик кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар иштирок этишлари мумкин.

- суд тиббиёти ва патологик анатомия кафедраси бўйича -1 ўрин.

Доцент лавозимини эгаллаш учун танловда тиббиёт йўналиши бўйича доцент илмий унвонига, катта илмий ходим ёки фан доктори (Ds) илмий даражасига, шунингдек, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга (тиббиёт йўналиши бўйича) эга бўлган шахслар иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 18-уй. СамДТИ илмий котибияти.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Ургут туманидаги «URGUT ZAMIR ZAMINI" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 303314928) ўз устав фондини 532 182 075 (беш юз ўттиз икки миллион бир юз саксон икки минг етмиш беш) сўмдан 4 800 000 (тўрт миллион саккиз юз минг) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Ургут шаҳри Камардон маҳалласи А.Қодирий кўчаси, 57-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 19-сон давлат нотариал идорасида марҳум Марупов Турсунга (2017 йил 21 ноябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 19-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Регистон кўчаси, 38-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Меликова Нодира Шарифовнага (2018 йил 29 августда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

* * *

Самарқанд туман 2-сон давлат нотариал идорасида марҳум Эшанкулов Абдунабига (2003 йил 13 январда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Равонак маҳалласи.

* * *

Самарқанд шаҳар 17-сон давлат нотариал идорасида марҳум Колесникова Тамара Ивановнага (2019 йил 8 февралда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 17-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 17-сон давлат нотариал идорасида марҳум Каримова Тухтага (2011 йил 22 октябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 17-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

* * *

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ургут туманидаги "Ургут Санчиқул қурувчи" хусусий корхонасининг думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 60-умумий ўрта таълим мактабидан 2017 йилда Рафиқова Меҳрибон Аламжоновна номига берилган U № 7938716 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Қўшработ туманидаги 52-ўрта ҳунар-техника билим юртидан 1995 йилда Турдиалиев Ориф Эргашович номига берилган рўйхат рақами 1973, АУ № 075737 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Оқдарё туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабидан 2013 йилда Холиқов Давронжон Алишер ўғли номига берилган U № 5915494 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат корхонасидан Исматова Назира Маматкуловнага қарашли Самарқанд шаҳри Фарҳод кўрғони, 31-уй, 23-хонадон учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами ва шу уйнинг уй дафтари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

САНЪАТ

Ўзбекистон халқ артисти Ражаб АДАШЕВ:

«Зарафшон» меҳмони

Фожиа ва кулги Фалсафаси ҳамиша ёнма-ён

Ўзбекистон халқ артисти Ражаб Адашев... Ўзбек кино санъатининг классиги. Санъаткорни «Наштар» ҳажвий журнали, «Ой бориб, омон қайт!», «Буйруқ, ўт очилмасин!», «Абдуллажон», «Кичкина табиб» каби фильмлардаги роллари орқали яхши танийсиз.

Ражаб ака талқин қилган образлар ўзига ўхшайди. У образ яратмайди, балки қаҳрамонининг дунёсида яшайди. Шунинг учун ҳам фильмлардаги бадиий образлар томошабин наздида ҳаётий одамларга, кунда биз билан яшаётган, нафас олаётган, тез-тез учратиб турадиган қиёфаларга айланиб кетади. Унинг образларида табиийлик, самимийлик, соддалик бор. Шунинг учун ҳам биз унинг рол ўйнаётганини сезмаймиз. Мана шуни ҳақиқий истеъдод, ҳақиқий маҳорат, ҳақиқий профессионаллик деса бўлади.

Биз Ражаб Адашев билан ўзбек киноси, роллар ижроси, ижодкорнинг сиз билмаган жиҳатлари ва албатта, Ватан, туғилган жойи хотиралари ҳақида суҳбатлашдик.

- Ражаб ака, вақтингиз тиғиз бўлса-да суҳбатлашишга розилик билдирганингиз учун ташаккур. Бугунги мулоқотимизда асосан, сизнинг қадим ва ҳамиша навқирон Самарқанд билан боғлиқ хотираларингизга тўхталсак. Юртдошларимизга ҳам шу заминда таваллуд топиб, умрининг кўп қисми Тошкенти азимда ўтаётган машҳур санъаткорнинг сўзлари қизиқ, албатта.

- Мен Ургут туманида таваллуд топганман. 1964 йилгача Ургут тумани ва Самарқанд шаҳарларида яшаганман. Ўша кезлари қадим ва навқирон бу шаҳарда истиқомат қиладиган қариндошларнилар билан борардик. Улар менга Самарқанд ҳақида, Регистон майдони, Шоҳи Зинда, Бибихоним мажмуалари, Афросиёб тепаликлари, Амир Темур мақбараси ҳақида, умуман, шаҳар тарихи тўғрисида гапириб беришмаган. Чунки катталар ўз юмушларини бажариб бўлгач, яна Ургутга қайтар эдик.

Кейинроқ Регистон ёнида жойлашган мактабдаги ҳаваскор рассомлар тўгарагига қатнашганман, расм чизардим-да мен ҳам.

- Ўша сафарлар чоғида бирор қизиқарли, эсда қоладиган воқеалар ҳам бўлганми?

- Албатта, бўлган. Бир гал мен онам билан, 10-12 ёшларда эдим адашмасам, Самарқанд шаҳрида марта келиб комиссиядан ўтганмиз. Ўшанда мени армиядан қолдирадиган бўлишди. Сабаби, онамга қарайдиган бошқа одам йўқлиги экан. Мен болаларча қувониб, ура, дейман. Юрак ҳовучлайман, денг. Ҳозир ўша пайтдаги ҳаяжонларимни ифодалаб бера олмайман. Йўқ, тўғрисини айтганда, у вақтларда онам ёлғиз қоладими, деган ўй-хаёллардан узоқда эдим (тақдир ҳазилини қарангки, мен «Ўзбекфильм» актёри бўлгач, қарийб 1972 йилгача, яъни уйлангунимча, онам барибир ёлғиз қолдилар. Бу пайтда онамдан опаларим, жиянларим хабар олиб туришди).

- Кино санъатига кириб келишингиз қандай кечган?

- 1964 йил, «Ўзбекфильм» эълон қилган танловда қатнашиш учун Самарқанд шаҳрига келиб, расмга тушганман. Ургутдаям бир корейс фотографига Тошкентга жўнатаман, деб ундаям расмга тушганман. Тошкентга жўнаш Самарқанд вокзалидан бўлар эди. Тошкентга чипта олиб, поездга чиқиб, бўш жойга ўтирдим-да, қувончимни ичимга сиғдиролмай йўловчиларга гап отдим:

«Тошкентга соат нечада борар эканмиз?»

Кимдир: «Сиз Тошкентга борасизми?», деб сўради.

кида кўп меҳмон бўлардим. Самарқанд билан боғлиқ жуда кўп воқеалар бўлиб ўтган, анча-мунча саргузаштларни бошимдан кечирганман.

- Шаҳарга биринчи борган пайтларингизни эслай оласизми?

- Ёдимда. Илк марта Самарқанд туманида жойлашган касалхонага ё отам, ё поччам билан бориб, Бегали акамни кўргани пою-пиёда, Регистондан касалхонагача яёв борганмиз.

Иккинчи марта онам билан борганман. Менинг хотирам кучли эканми – ўша касалхонани адашмай топиб борганмиз. Пиёда, албатта!

- Шаҳар сизда қандай таассурот қолдирган?

- Мана шу боришларимизда шаҳарни йўл-йўлакай томоша қилганман. «Эсингда аниқ сақлаб қолган экансан, яша», деб онам хурсанд бўлиб мақтаганлар. Бошқа гал шаҳарни бемалол томоша қилганман. Мирзо Улуғбек мадрасаси минорасининг оғаётганини кўриб ҳайратланганман – у тросслар билан боғлаб қўйилган эди, шундан сўнг ичимдан ҳазин бир нидо чиққан.

У пайтлар Самарқандга каттаяшайдиган қариндошларимизникига меҳмонга борганмиз. Эшик яқинидан трамвай юрарди. Ана шу ерда кулгили, таъбир жоиз бўлса, аҳмоқона воқеа юз берган. Ўшанда мен трамвай йўлининг изига бўш консерва қутисини қўйиб, нима бўларкан, деб ёнма-ён пойлаб ўтирувдим. Бир маҳал кимдир юзимга тарсаки тортиб юборди. Кейин англасам, трамвай ёнимда тўхтаб, кондуктори тушиб мени четга ҳайдаган экан. Болалик-да, босиб кетадиям демабман, азбаройи қизиқишдан шу қўйга тушибман!

- Кўплаб фильмларда ҳарбийлар ролини ижро этгансиз? Ҳарбий хизматдаги пайтларингиз қандай ўтган?

- Ҳозир қанақа билмадим, у пайтларда армияга олиб кетиш ҳам Самарқандда ҳал бўларди. Икки-уч «Ҳа!», дедим.

«Бу Душанбе шаҳрига борадиган поезд, Тошкентники учинчи йўлда эди», деди. Поезд деразасидан ташқарига қарасам, тезлашяпти. Бирдан ўзимни эшикка урдим ва юриб кетаётган поезддан сакраб тушиб қолдим. Ўша пайтда юрагим бақувват, ёш, журъатли эканман-да. Яқин йилларда шу ҳолатни эсласам, рости, юрагим орқага тортиб кетади...

Самарқанд вокзали ... Яна бир ҳангома. Бу 1974-75 йилларда рўй берган. Енгилгина сумка билан Ургутдан келиб, поездга чипта олиб, то поезд келгунича залда ўтирай деб кирсам, ургутлик тоғамни учратиб қолдим. Гаплашдик. Кейин мен чиқиб, қайтиб келсам, тоға ўтирибдилар-у, сумкам йўқ. Ўғирлаб кетишибди. Ичида иккита уй нони, майда-чуйда-ю, Тошкентдаги ижара уйнинг калити бор эди. Тоғам сумкамга тирсак қўйиб пинакка кетган эканми, ўғрилар «шимо» қилишибди. Афсусдан не фойда?

Ана шунақа.

Актёрлик касбим орқали кейинроқ, Самарқанд тарихи билан юзлашдим, чуқурроқ ўргандим. Таассуротларим кўп серияли. Мен ана шундай жаҳон сайқали бўлмиш Самарқандда туғилиб, улғайганимдан бахтлиман.

Азизлар! Самарқандни эҳтиёт қилинг, бу замин – муқаддас юрт! Кўз тегмасин!

Суҳбатдош:
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори
Лазизжон БАХРАНОВ.

Қисқа саволларга қисқа жавоблар

- Ургутнинг қайси маҳалласида таваллуд топгансиз?

- Қамардон маҳалласида.

- Аждодларингиз орасида санъаткорлар бўлганми?

- Отам Адаш полвон масхарабоз бўлган.

- Турмуш ўртоғингиз қайси соҳа вакили?

- Ўқитувчи.

- Неча нафар фарзандингиз, набираларингиз бор?

- 2 нафар қизим, 2 нафар ўғлим, 10 нафар набирам, 1 эварам бор.

- Фарзандларингиз, набираларингиз орасида ҳам санъат йўлини тутганлари борми?

- Катта неварам опера солисти, укаси мусиқа лицейида ўқийди.

- Кино санъатида қайси санъаткорларни ўзингизга устоз деб биласиз?

- Ким менга насиҳат қилган бўлса, маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатган бўлса, ўшаларни устозларим деб биламан.

- Санъатда кимлардан, нималарни ўрганганман, деб ўйлайсиз?

- Артистлар, режиссёрлардан ўрганаман.

- Нечта фильмда рол ўйнагансиз?

- 100 дан ортиқ кинода.

- Санъатдан ташқари яна бирор севимли машғулотингиз борми?

- Бошқа ҳунарим йўқ.

- Интернетда сиз ҳақингизда русчада кўпроқ, ўзбек тилида жуда кам маълумот борлигига гувоҳ бўлдик. Бунинг сабаби нимада?

- Билмадим... Ҳарҳолда газета-журналларда кўп ёзилган.

- Характерингиз, дунёқарашингиз, ижодий тамойил ва фалсафангиз нималардан иборат?

- Тақдиримга битилгани шу: ўзим ҳузур-ҳаловотга муҳтож бўлсам-да, ўзгаларга хурсандчилик ато этишим зарур. Шу менинг ҳаётий шиорим.

- Сиз яратган образларда кўпинча, фожиавийлик ва кулгилилик ҳодисаларининг қоришиб кетганига гувоҳ бўламиз. Бу натижага қандай эришасиз?

- Фожиа-комедия ҳамиша ёнма-ён-ку!?

- Охирги бор қайси кинофильмларда рол ижро этдингиз?

- 2019 йил давомида «Танҳо қайиқ» ва «Етмиш яшар бола » бадиий фильмларида бош ролларни ижро этдим.

- Ёш актёрлардан кимларнинг ижоди Сизга маъқул бўляпти?

- Истеъдодли ёшлар кўп. Лекин улар ҳали кўп ўқишлари, ўрганишлари, ўз устида ишлашлари керак.

Самарқандни нечун севар у?

Назиржон Назаров қўқонлик таниқли зиёлилардан. Адабиётшунос олим, шоир, бастакор ва ўз вақтида «Аста қиёлаб ўтди», «Дерман», «Дилнавоз», «Донолигини айтай», «Эй сабо», «Жонон, кўриб жамолинг», «Ўйнаганда», «Ой жамолим» каби ашулалари билан эл назарига тушган хонанда.

Назиржон ака таҳририятимизга Самарқанд мадҳида туркум шеърлар йўллади. Уни сиз билан баҳам кўришни истадик.

Самарқанд

Дилга сиғмас ҳайрат билан
Ҳузурингга учаман.
Зарафшонга лабим босиб,
Тупроғингни қучаман.

Кўз олдимдан ўтар бир-бир,
Ўтмишимиз торлари.
Ёмон кўздан асрагувчи,
Кўзмунчоқ туморлари.

Нафаслари қулоғимга,
Оқиб келар наводай.
Илҳом берар роҳатижон,
Майин эсган сабодай.

Ал-Бухорий, Мотрудий
Иймонимиз таянчи.
Адашганга йўлчи юлдуз,
Миллатимиз қувончи.

Юлдузларинг қучоғида
Порлаб турар зўр олим.
Неча-неча алломани
Лол қолдирган муаллим.

Улар тенгсиз ақлимизни
Исбот қилиб ўтдилар.
Лекин, қанча армонлардан
Тилин тишлаб кетдилар.

Эшитмади дардларини,
На қозию ҳукумдор.
Машрабларнинг сўзларига
«Қулоқ тутди» охир дор...

...Қилмасин не-не қабоҳат,
Йўқолмади уруғлар.
Қаранг, Аллоҳ иноятин,
Яна чиқди улуғлар.

Улуғ Турсун, Раҳматулло,
Бозорбою Зарифжон.
Воҳид Абдулло, Суюнбек,
Илмига қойил жаҳон.

Дилга сиғмас ҳайрат билан
Ҳузурингга учаман.
Зарафшонга лабим босиб,
Тупроғингни қучаман.

Сўрайман узр

Қачон юрсам Бухоро томон,
Бир шаҳар бор, кириб ўтаман.
Қайтганимда қиёлаб ўтмай,
Яна бир бор кўриб қайтаман.

Томирлари етти қават ер,
Туб-тубига бориб қадалган.
Минорларнинг фалакда боши,
Дунё кўзин ҳайратга солган.

Қанча-қанча замонлар ўтди,
Ажин тушмас гулдек юзига.
Кеча-кундуз чарақлаб турган,
Такрори йўқ ойнинг қизига.

Унга ошиқ фақат мен эмас,
Ағёрларим минг-минг, саноқсиз.
Рашким келар кўпайган сари,
Бирор оғиз мендан сўроқсиз.

Самарқандим, сўрайман узр,
Ҳазил қилдим. Лекин, орим бор.
Ишқ йўлидан қайтмайман сира,
Ортда қолмас Бойчиборим бор.

Қачон юрсам Бухоро томон,
Бир шаҳар бор, кириб ўтаман.
Қайтганимда қиёлаб ўтмай,
Яна бир бор кўриб қайтаман.

Кўҳна кентнинг ҳавоси

Ўхшаши йўқ муаттар ҳаво,
Куйламасам йўқдир иложим.
Қучоғимга босим келади,
Лекин, етмас унга қулочим.

Симираман, тўймайман асло,
Даштда чанқаб қолган одамдай.
Кўп замонлар юртдан айрилиб,
Пушмон билан қайтган қадамдай.

Бу ҳавонинг жисмида не бор?
Жавобига бўлгандим гадо.
«Улуғларнинг нафаси», деган,
Қулоғимга келди бир садо.

Чидолмайман қонмасам ҳар кун,
Булут тўсса қийналар қуёш.
Мен дардимни тупроққа айтсам,
Қаршимизда йиғлаб турар тош.

КИМНИНГ МАҚОЛАСИ ЯХШИ?

Таҳририятимиз январь ойида муштарийлардан **145** та хат олди. Мактубларнинг **133** таси газета саҳифаларида чоп этилди.

Январь ойида **Илҳом Вафоев «Ойнинг энг фаол жамоатчи мухбири», Ҳалим Сайиднинг «Маҳмудхўжа Беҳбудий ким бўлган?»** сарлавҳали мақоласи «Ойнинг энг яхши мақоласи» деб топилди.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

1 ФЕВРАЛЬ

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ – 1947 йилда Ургут туманида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

2 ФЕВРАЛЬ

Баҳром БОБОҚУЛОВ – 1928 йилда Самарқанд туманида туғилган. Тиббиёт фанлари доктори.

Рушона АМОНОВА – 1993 йилда Жомбой туманида туғилган. Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси.

3 ФЕВРАЛЬ

Матлуб САМИБОЕВ – (1927-2019) Самарқанд шаҳрида туғилган. Тиббиёт фанлари доктори.

5 ФЕВРАЛЬ

Душан ФАЙЗИЙ – (1926-2009) Қизилтепа туманида туғилган. Шоир, драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

Неъмат ТУРНИЁЗОВ – 1940 йилда Пахтачи туманида туғилган. Филология фанлари доктори.

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

© МУАССИСЛАР: *халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги*

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 14 287 нусхада чоп этилди. Буюртма 79

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Нашир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ.
Навбатчи: Ё.МАРҚАЕВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009